


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР
ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР
ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ WEB-
САЙТЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА
ТАВСИЯЛАР
(Услубий тавсиянома)**

Техника фанлари номзоди М. Холмухамедов
умумий таҳрири остида



Самарқанд-2010 й.

Тузувчилар:

М.Н. Болиев –Ўқув адабиётлари ва меъёрий хужжатларни такомиллаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш хизмати бўлими бошлиғи;

Э. Хошимов- Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежи Информатика ва математика кафедраси мудири;

К. Гепке- Ахборот коммуникацион технологиялари фани ўқитувчиси;

С. Хошимов- Ахборот коммуникацион технологиялари фани ўқитувчиси.

Такризчилар:

О. Ғ. Темиров- Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежи директори, Т.Ф.Н.

У. Наврўзов-ТАТУ Самарқанд филиали ассистенти.

Мазкур услубий тавсиянома «Информатика ва математика» кафедрасининг 30.03.2010 йилдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Саноат ва транспорт йўналиши консорциумининг 2010

йил 17 апрелдаги йигилишида муҳокама қилинди ва нашрга тавсия этилди.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Конституция қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасида давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва адабиётларини такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш вазифалари белгиланган.

Таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин яратиш лозимлиги таъкидланган.

Таълим муассасаларининг веб сайтларини яратишдан мақсад- Ўзбекистон Республикаси ёшларини мутахассисликлар бўйича йўналишлар ва ўрта махсус ўқув юртлари ва бошқа маълумотлар билан таништиришдан иборат.

Веб сайт – бу таълим муассасаларининг электрон журнали бўлиб, бирор бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ходисага бағишланган маълумотларни ўзида жамлаган Интернетдаги саҳифалар мажмуидир.

Фойдаланувчи интернетдан ўзи қизиққан маълумотларни олиши ёки ўз соҳасига тегишли янгиликларни киритиш мумкин.

Ушбу услубий тавсияномада таълим муассасаларининг веб сайтларини яратиш, веб сайтнинг мазмуни, Интернет тармоғига жойлаштириш, сайтнинг ташкилий тузилмаси ҳақида тавсиялар келтирилган.

ВЕБ САЙТ ЯРАТИШ

1. Веб сайт яратишга тайёргарлик

- 1.1. Веб сайтга жойлаштириш учун матнли маълумотларни йиғиш
- 1.2. Графикли маълумотларни тайёрлаш, чизмаларни ва расмларни тахрирлаш (ўлчамини 10-30 Кбайтгача келтириш, форматларни ўзгартириш ва ҳ.к)
- 1.3. Мурожаатлар бўйича маълумотларни тўғри жойлаштириш учун блок-тархи тузиш.
- 1.4. Дизайнларни ишлаб чиқиш.
- 1.5. Доменда сайт номини танлаш.

2. Веб сайт яратишда энг муҳим вазифалар

2.1 Веб сайт номи

Танланган сайт учун логин 6-7 ҳарфдан ошмаслиги ва эсда қолиши осон бўлиши керак.

2.2 Структураси

Хужжат ўлчами бўйича кам жой талаб этадиган бўлиши керак. Хужжатнинг ўлчами учун иккита юқори чегара мавжуд. Булардан бири, узун хужжат узатилишида кўп вақт талаб этилади, шунинг учун ҳам ўқувчи унга тез кириб ва ўзи хоҳлагандек орқага тез қайтишда қийинчилик туғилади. Бу кўпинча, албатта маълумот узатиш тезлигига боғлиқ.

Қоида бўйича, ташрифчилар бир вақтнинг ўзида бир неча бетни ўқишга қодир эмаслар. Улар кўпинча биринчи бетдаги маълумотни ўқиб кўришади, агар у ёқмаса, қолган қисмларни варақлаш уларга зерикарли кечади. Шунингдек ташриф буюрувчилар хужжатнинг бошидаёқ ундан чиқиб кетишлари мумкин.

Хужжатнинг ўлчами бўйича қуйидагиларга асосан эътибор қаратиш керак бўлади:

- ◆ Бошқа маълумотларга рухсат берувчи online help, menu лар учун 24 чизикдан ошмагани маъқул
- ◆ Матнли хужжатлар учун-А4 форматда тахминан 2.5 варақ атрофида.

◆ Хажм эквивалентида 1 бетдаги маълумот 1 мегабайтдан ошмаслиги керак, бунга график маълумотларни камайтириш ва унинг ҳажмини қисқартириш орқали осон эришиш мумкин.

2.3 Сарлавҳа

Ҳар қандай ҳужжатнинг фақат битта сарловҳаси бўлиши мумкин.

У ҳужжат мазмунини кенг контекстли маънода идентификация қилиб бериши керак.

Сарловҳа ҳужжат матнининг қисми ҳисобланмайди, лекин у бутун ҳужжатга таалуқли. Унда мурожаатлар, параграфлар белгиси ёки чизиқлар бўлиши мумкин эмас. Сарлавҳа узунлигига чеклашлар мавжуд эмас (қайсиқим улар, автоматик тарзда бошқа берилмалардан генерация қилинган бўлиши мумкин), лекин хабар берувчи провайдерлар шуни эсда тутишлари керакки, жуда узун сарловҳалар кесиб ташланиши мумкин.

2.4 Ҳужжатни тестлаш

Қайсидир маънода сайт тахрирланиши мумкин бўлган китобга ухшаш. Худди шундай текширилиши керак бўлган дастурга ҳам ухшаши мумкин.

Энг камида, қайсидир гуруҳ одамлари, сайтдаги хатоларни тузатиш ва унга ишлов бериш учун маълумотни ўқиши зарур.

2.5 Излаш тизимида рўйхатдан ўтиш

Сайтни доменга жойлаштиргандан сўнг, албатта зудлик билан қуйидаги www.yahoo.com; www.yandex.ru; www.rambler.ru; www.google.ru, www.mail.ru излаш тизимларидан бир нечасида рўйхатдан ўтиш зарур бўлади. Бу Интернет тармоғидаги фойдаланувчи сизнинг сайтингизни ушбулардан топиш имконига эга бўлсин(ўқув юрт номи, манзили ва ҳ.к.) учун керак бўлади.

3. Домен ва хостинг регистраторлари

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари бозорида .UZ ҳудудида регистрациядан утказиш ва хизмат кўрсатувчи етита компания мавжуд. Рўйхатдан утган доменлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун

кўрсатилган сайтларга кириш ёки, « UZ нинг доменли худудий администратори сайти» <http://www.cctld.uz> буйича олиш мумкин бўлади.



Регистратор: [ООО «Томас»](#)
e-mail: info@tomas.uz
tel: +998 (71) 233-59-30
fax: +998 (71) 233-59-11
[Статистика](#)



Регистратор: [ООО «Amaliy Alogalar Biznesi»](#)
e-mail: bccash@bcc.com.uz
tel: +998 (71) 252-21-52
fax: +998 (71) 252-70-88
[Статистика](#)



Регистратор: [ООО «Sarkor Telecom»](#)
e-mail: info@sarkor.com
tel: +998 (71) 122-11-11
fax: +998 (71) 122-11-13
[Статистика](#)



Регистратор: [ООО «BILLUR.COM»](#)
e-mail: info@billur.net
tel: +998 (71) 234-39-92
fax: +998 (71) 234-39-92
[Статистика](#)



Регистратор: [ООО «TV-Inform»](#)
e-mail: info@eanetways.com
tel: +998 (71) 237-22-43
fax: +998 (71) 237-21-43
[Статистика](#)



Регистратор: [ООО «Arsenal-D»](#)
e-mail: info@arsenal-d.uz
tel: +998 (71) 150-01-50
tel: +998 (71) 150-21-52
fax: +998 (71) 150-11-51
[Статистика](#)



Регистратор: [ООО «Симус»](#)
e-mail: reg@simus.uz
tel: +998 (732) 24-11-88
fax: +998 (732) 24-59-72
[Статистика](#)

Юридик шахслар домен номи рўйхатидан утиш учун ариза бланкаси тулдириш керак бўлади, бунда иккинчи қисмда барча керакли реквизитлар талаб даражасида тўлдирилиб FAX компаниясига жўнатилади .

Регистратор учун асосий маълумотлар

1. Домен номи (масалан **DOMEN.UZ**)
2. Ташкилот, муассасанинг юридик манзили (масалан коллежнинг)
3. Контакт телефонлари, ва факс
4. Муассаса рахбари (директор)
5. Электрон почтаси
6. Банк реквизитлари (регистратор хизмат хақи тўловини олиб бориш учун)

Шартнома тузилгандан сўнг, муассаса шартномада кўрсатилган муддат ичида хизмат хақини тўлаб бериши керак бўлади.

Куйида домен номи ва хостинг руйхатининг бугунги кунги нархларига яқин қийматлари кўрсатилган.

1. 2010 йилнинг май ойи ҳолатига Sarkor Telecom компанияси нархлари.

.UZ худудида битта домен номини руйхатдан утказиш	20\$
Руйхатни узайтириш	15\$
.UZ худудида битта домен номини 3 йил муддатга руйхатдан	40\$

утказиш	
---------	--

2. 2010 йилнинг май ойи ҳолатига TOMAS компанияси хостинги нархлари.

Режа номи	Хостингдаги ўрни	Нархи \$ 1 йил учун	Нархи \$ ярим йил учун	Нархи \$ 1 квартал учун
Сўнгги харидоргача бўлган тарифлар				
Точка	64 Мб	25	14	-
Угол	128 Мб	35	19	-
Квадрат	256 Мб	55	29	15
Куб	512 Мб	70	38	20
Пирамида	1024 Мб	110	58	30
Шар	1536 Мб	130	68	35

Хизмат ҳақи тўлангандан сўнг электрон почтага FTP серверига сайтни жойлаштириш рухсат берилиши учун логин ва пароль курсатилган хат жўнатилади.

Хат тахминан қўйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

Краткая инструкция <http://hosting.tomas.uz/faq.html>

Учетная запись для домена domen.uz

План: Луч (64Мб).

Срок обслуживания: 12 месяцев (до 9 april 2011)

Веб-панель управления:

URL: [https:// domen.uz:8553](https://domen.uz:8553)

login: domen.uz

password: fcvNURep

FTP сервер для заливки сайта:

URL: [ftp://ftp. domen.uz](ftp://ftp.domen.uz)


login: ftp domen

password: afvRgCnun


Почтовый сервер (SMTP/POP3/IMAP): mail.domen.uz
Веб-интерфейс к почте: http://webmail.samktg.uz

4. Веб сайтни серверга жойлаштириш.

FTP баённомаси оркали сайтни серверга жойлаштириш учун Total Commander қобигидан фойдаланиш керак бўлади.



Бунинг учун Total Commander қобик дастурининг асосий панелидан фойдаланиб, унга FTP баённомасини кўшиш ва серверга уланиш учун регистратордан олинган хатдаги логин ва паролни киритиш зарур.



Шундан сўнг сизга сервердаги ўзингизнинг тизимли папка соҳангизга киришга рухсат берилади. Бу сохада тизимли папка мавжуд (жадвалга қаранг), ва

сизнинг HTML хужжатингиз жойлашадиган **httpsdocs(сайт)** деб номланувчи асосий папка ҳам мавжуд

Папка номи	Вазифаси
anon_ftp	Фтп аноним сервер папкаси. (ишга тушиши режалаштирилган)
bin	Хизматчи папка!
cgi-bin	cgi-bin скриптларни сақлаш учун папка
conf	Хизматчи папка!
error_docs	Махсус хатолар бетини сақлаш учун папка. Бу папкадан фойдаланишда махсус хатолар бети ҳақида тушунадиган ва қўллай оладиганларгини ишлаши мумкинлигини эътироф этамиз.
httpdocs	Сизнинг сайтингиз папкаси
httpsdocs	HTTPS баённомасига хавфсиз киришга рухсат берувчи сизнинг сайтингиз папкаси.Бу папкадан HTTPS/SSL/ Сертификат вазифаси зарурлигини фарқлайдиганлар фойдаланиши мумкинлигини қайд этамиз.
pd	Хизматчи папка!
private	Ҳимояланган маълумотларни сақлаш учун сизнинг шахсий папкангиз, бунда умумжорий этилмайдиган ва тизим хизматига ишлатилмайдиган маълумотлар жойлашади
statistics	Хизматчи папка! Сайтга ташрифлар статистикасини сақлайди, почтадан фойдаланиш ва бошқалар.
subdomains	Сизнинг доменичларингиз, агар сиз уларни ишлатсангиз
vault_script	Сайтнинг ўрнатилган веб-иловалари учун папка (веб-панелдаги кутубхона иловаларини тақдим этувчи маълумотлар учун)

web_users	Шахсий веб-фойдаланувчилар учун веб-саҳифа папкаси. Веб фойдаланувчилар бу сиз томонингиздан яратилган шахсий веб-саҳифали http://сизнинг_доменингиз_номи.uz/~фойдаланувчи манзил буйича рухсат этилган фойдаланувчи
-----------	--

Шундай қилиб, FTP серверидан Total Commander қобиғининг унг панелида httpsdocs папкасини ишга туширамиз, локал дискнинг чап панелида HTML ҳужжатни (сайт билан) очамиз, ундан FTP серверга нусха оламиз.

Бунда уй саҳифаси INDEX.HTML номга эга булиши муҳим

5. Кўп бериладиган саволлар ва уларга жавоблар

1. Мен ўзимнинг бошқарув панелимга хостинг билан қандай қираман?

Бошқарув веб панелига хостинг билан кириш учун мулоқот ойнасида https://имя_вашего_домена.uz:8443 ни очинг ва хостинг очилишида сизга берилган фойдаланувчи номи ва паролни киритинг.

2. Ўз сайтимни серверга қандай жойлаштираман?

Сайтингизни серверга жойлаштириш учун сиз FTP баённомасини қўлловчи ихтиёрий дастур орқали киритишингиз мумкин.

FTP сервер манзили://ftp.сизнинг_доменингиз_номи. Фойдаланувчи номи ва пароли ftp сўровчиси сизга хостинг очилишида берилади. Сизнинг сайтингиз номи “httpdocs” деб юритилади.

(ftp://ftp.сизнинг_доменингиз_номи/httpdocs/), бу папкани ичидаги бор маълумотлар сизнинг саҳифангизда акс этади.

3. Почта яшигини қандай юритиш керак?

Почта яшигини бошқариш учун сиз веб бошқарув панели хостинги билан (1саволда кўрсатилгандек) киришингиз мумкин. Сўнг мулоқотнинг ўнг бўлими пастида, «**Domains**» қисм тагида ўзингизнинг доменингиз номи.uz ни мурожаатини ҳаракатга келтириш билан кирасиз. Сизга ўзингизнинг доменингизни бошқариш саҳифаси очилади. «**Services**» бўлими мулоқотининг ўнг қисмидаги Mail  иконкасини ҳаракатга келтиринг. Сизнинг саҳифангизда почта яшигини бошқариш саҳифаси очилади, қайсиким сиз унда почта яшиги ҳисобини юритувчи ёзувларни ўчириш, қўшиш, таҳрирлаш ишларини амалга оширишингиз мумкин. Шунингдек

сиз спамга текширувни созлашингиз, вирусга текширув олиб боришингиз мумкин.

4. Веб-почтадан қандай фойдаланиш мумкин?

Агар сиз (3-чи саволда ёзилгандай) ўз доменингизда биронта почта манзили киритганингиздан сўнг, почтага веб-интерфейсдан фойдаланишингиз мумкин. Бунинг учун мулоқат ойнада http://webmail.ўз_доменингиз_номи.uz.ни очинг.. Сизда веб-интерфейс почтасига кириш саҳифаси пайдо бўлади. Тилни танланг ва почта яшиги ҳисобга олиш маълумотларини киритинг (манзил ва пароль).

5. Менинг почта яшигим дастурини созлаш мумкин?

Почта дастурини созлаш учун 3-саволда кўрсатилгани каби почта фойдаланувчиси ҳақида камида битта ёзув киритилган бўлиши керак. Ўз навбатида (*Microsoft Outlook/Outlook Express/The Bat* ва бошқалар) почта дастурида **SMTP/POP3** баённомасидан фойдаланишингиз ҳақида кўрсатинг.

Сизнинг (SMTP/POP3/IMAP) почта серверингиз манзили: mail.сизнинг_доменингиз_номи.uz

Сиз томондан почта фойдаланувчиси сифатида киритилган фойдаланувчи исми ва пароли.

6. Менинг уй каталогимдаги қанақа папкалар?

Жимлик қоидаси бўйича сизнинг уй каталогингизда бир неча папкалар жойлашган.

***Кўк ранг** билан белгиланган папкалар бу оддий фойдаланувчиларни билдиради.

***Сариқ ранг** билан ажратиб кўрсатилган папкалар, қайсиким силжитиб қўйилган фойдаланувчилар бошқариши кўзда тутилган бўлиб, улар ўзлари бажараётган ноқоррект ҳаракатларнинг қанақа оқибатларга олиб келиши ҳақида олдиндан биладилар.

***Қизил ранг** билан ажратиб кўрсатилганлари хизматчи папкалар бўлиб, улар хостингни ишлаши учун керак. Хостинг иши бузилишидан сақланиш учун уларга ҳеч қандай рухсат берилмайди.

7. Домен алиаслари нималар?

Агар сизда бир неча домен номи рўйхатга олинган бўлса ва у сайтга муурожаат этишда айтайлик сиз бизга жойлашмоқчисиз, у ҳолда сиз домен алиасларини созлашингиз зарур. Ушбу ҳолатда сервер хостингга бирорта кушимча саҳифадан суров келганда сизнинг асосий сайтингиз очилади.

8. Менинг DNS ҳудудимни қандай таҳрирлаш мумкин?

DNS ҳудудни бошқариш учун сизга (1-саволда кўрсатилгандек) бошқарув веб панелида, хостинг орқали киришингиз керак бўлади. Шундан сўнг «**Domains**» бўлимида керакли доменни танлаш зарур бўлади. Кейин «**Services**» бандидаги  DNS значокни танлаймиз. DNS ҳудудини таҳрирлашда тажрибали ва турли ёзувларнинг вазифасини билувчи фойдаланувчиларгини ишлашини тавсия этамиз.

9. Веб статистикани қандай кўриш мумкин?

Сайтингиз ҳақидаги статистикани кўриш учун (1-саволда кўрсатилгандек) хостинг бошқаруву орқали веб панелга кириш керак. Ундан сўнг «**Domains**» бўлимида керакли доменни танлаш зарур бўлади. Кейин «**Domain**» бандидаги  Report значокни танлаб, «**Tools**» бандидаги  значокни танлаймиз.

10. Сизнинг хостингингизда домен номи рўйхатдан ўтказишда менга қанақа неймсерверларни кўрсатиш керак бўлади?

Агар сиз бизнинг хостингдан фойдаланаётган бўлсангиз, домен номи рўйхатидан ўтишда, бизнинг неймсерверлар номини кўрсатишингиз керак бўлади:

Биринчидан: ns1.tomas.uz

Иккинчидан: ns2.tomas.uz

5. Сайтдаги маълумотларни янгилаб туриш.

Бошланишида зарурий маълумотлар тўпланиб, сунгра FTP боғланишни қўлловчи дастур ишга туширилади. Худди шунингдек сайтни жойлаштириш жараёнидаги каби керакли маълумотлар ўзгартирилиб борилаверади.

6. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари Web сайтини яратиш учун тавсиялар.

I. Умумий маълумот:

1. Таълим муассасаси тарихи;
2. Раҳбарият;
3. Педагог ходимлар;
4. Бўлимлар;
5. Кафедралар;
6. Мутахассисликлар;
7. Ҳомий ташкилотлар;
8. Олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик;
9. Ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик.

II. Таълим жараёни:

1. Мустақил ўқиш;
2. Масофавий ўқиш;
3. Ўқув режа ва дастурлар;
4. Умумтаълим ва махсус фан тўғараклари;
5. Фанлар бўйича тест саволлари.

III. Ўқишга қирувчилар учун маълумот:

1. Бўлимлар ва мутахассисликлар;
2. Консультатив марказ фаолияти;
3. Қабул қоидалари;
4. Танлов.

IV. Интернет ресурслар:

1. Таълим муассасасидаги илмий-услубий ишлар;
2. Таълим жараёни ва коллеж фаолиятини ёритувчи мақолалар;
3. Касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг ВЕБ саҳифалари.

V. Ахборот ресурс маркази фаолияти:

1. Таълим муассасасидаги мавжуд адабиётлар;
2. Бадиий адабиётлар, умумтаълим ва махсус фанлар;
3. Адабиётларнинг электрон вариантлари;
4. Ўқитувчилар томонидан яратилган услубий адабиётларнинг электрон вариантлари.

VI. Битирувчилар ҳақида маълумот:

1. Бизнинг битирувчиларимиз;
2. Таълим муассасасини битирганлар билан алоқа;
3. Таълим муассасасини тугатган ўқувчиларнинг учрашувлари;
4. Турли ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорлик.

VII. Виртуал саёҳат:

1. Фотоалбом

VIII. Ўқувчилар ҳаётидан лавҳалар:

1. Ўқувчилар ташкилотлари;
2. Ўқувчиларнинг сайтлари;
3. Турли хил тадбирлар.

IX. Маданият ва жамият:

1. Театрлар;
2. Учрашувлар;

3. Жамоат ташкилотлари.

Х. Дам олиш ва спорт:

1. Спорт тўғараклари;

2. Спорт мусобақалари.

